

НИШОШ

Yanvar					
D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	31
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Y	6	13	20	27	

16 - yanvar,
chorshanba
03
(214)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

Энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Куролли Кучларимизнинг барпо этилиши, халқимизнинг том маънодаги фахр-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифалардан бири бўлди.

Ислон КАРИМОВ



МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА, ИЧКИ ИШЛАР ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҲАМДА БОЖХОНА ҚЎМИТАЛАРИ, «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА» ГИ 2002 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА БИНОАН

Ватанимиз мудофаа қудратини юксалтириш, чегараларнинг дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ваташварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун

Сирдарё вилояти прокурори **Бердимуротов Эшмаматга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони** берилди.

Мамлакатимиз Куролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини Ҳимоя қилишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни Ҳимоя қилишдаги жасорати, халқимизнинг осойишталигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи **Гаипов Юсупбой «Жасорат» медали** билан; Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси — бўлим бошлиғи **Туркин Алексей Васильевич**, Жиззах ҳарбий прокурори **Холиқов Аслам Азамович**, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори **Юсупов Абдулҳак Ғаниевич «Шўҳрат» медали** билан мукофотландилар.

Тахририятимиз жамоаси ва кўп сонли мухлисларимиз номидан барча мукофотланганларни қизғин табриқлаймиз.

ВАТАН ЮРАК КАБИ ЯГОНАДИР

14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ватан Ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил тоналлигининг 10 йиллиги муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашидjon Қодиров Ватан Ҳимоячиларининг юртимиз осойишталиги йўлидаги хизматлари ҳақида маъруза қилди.

— Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек асраб, элга муносиб хизмат қилаётган юрдошларимизни қутлуг байрам билан табриқлайман.

Агар бугунги Ўзбекистон Куролли Кучлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мустақилликдан сўнг тизимда катта ижобий ўзгаришлар қилинганини шохиди бўламиз. Энг аввало, тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Унинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини тояди.

Ўтган йилларда Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли худудларида содир қилинган террорчилик ҳаракатлари кўпчилик юрдошларимизнинг хотирасидан ўнганича йўқ. Террорчилик ҳаракатларга қарши курашда Ватан Ҳимоячилари билан бир қаторда прокуратура ходимлари ҳам мардлик ва жасорат кўрсатдилар. Экстремистик кучлар-

нинг ғаразли мақсадлари ва жirkanч жиноятлари фoш этилиб, тергов ҳаракатлари сифатли ўтказилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

— Бугун биз мураккаб бир даврни бошдан кечирмоқдамиз, — дейилади Юртбошимиз Ислон Каримовнинг байрам муносабати билан Ватан Ҳимоячиларига йўллаган табриғида. — Жаҳонда терроризм, ашаддий жангарилик, наркoбизнес хуружи каби бало-қазоларнинг энг муқаддас неъмат бўлиши инсон ҳаётига тажовузи ҳамон сезилиб турибди. 11 сентябрь фoжиалари ва Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатлар олиб бoрилиши натижасида Марказий Осиёда, бевосита бизнинг чегараларимизда сиёсий-ҳарбий вазият ўзгармоқда, дунёнинг сиёсий харитасида кучларнинг янги ҳақ симланиши рўй бермоқда.

Юртбошимизнинг бу сўзлари ҳар биримизни ҳар доим хушёрликка ундамоғи лoзим.

— Она-Ватанга қилинган ҳалол хизмат муносиб тақдирланади, — деди Бош прокурор. — Шу йилнинг 10 январидаги Юртбошимизнинг Фармони ҳам бунинг исботидир. Йиғилишда Ватан Ҳимоячила-

ри куни муносабати билан тақдирланган бир гуруҳ прокуратура ходимларига давлат мукофотлари топширилди.

Йиғилиш сўнггида мукофотланганлар ўз дил сўзларини изҳор қилишди.

Сирдарё вилояти прокурори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Эшмамат Бердимуротов:

— Мен бугун жуда ҳаяжондаман. Камтарона меҳнатим улуғлини, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилди. Бунинг учун юртбошимизга ва Республика Бош прокуратураси раҳбариятига чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи, «Жасорат» медали соҳиби Юсупбой Гаипов:

— Камтарин меҳнатим муносиб тақдирланганидан хурсандман. Келажақда ҳам бутун куч ва иродамни халқимизнинг осойишталигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бағишлайман.

Суратда: Мукофотлаш маросимидан лавҳа.

(Ўз мухбиримиз).
Суратқаш А. ТЎРАЕВ

Ушбу сонда



**ВАТАНДАН
кўнги
қолмайди**

Мен, бобонинг набираси, бугун таассуфда, армонда қолдим. Юз йиллик тарихнинг, юз йиллик эътиқоднинг кадрини ҳис қилмаганимдан, оқибатсизлигимдан. Ахир боболар биз учун яшаган эмасми?

4-саҳифа

Жиноятчилик аталмиш иллат тараккиёт юксалган сари нозиклашиб, мураккаблашиб кетганки, баъзан умуман калаванингни учини топиб бўлмайди. Тезкортергов гуруҳи олдида худди шундай масалани ҳал этиш вазифаси турарди, зеро, қаердан кимни ахтариш, кимдан нимани суриштириш ва яна бир талай «ким, қачон ва қаердалар» боши берк кўчага киритиб қўйилганди.

СОХТА АЛИБИ

АДОЛАТ ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН ЎРНАТИЛМАЙДИ

Адолат ва тинчлик зулм ва зўравонликка таяниб жорий қилинмаслиги, йўқса у эртага ўзининг аччиқ меваларини беришини тарихий ҳақиқат яна бир бор исботлади.

5-саҳифа

6-саҳифа



ВАЗИЯТ ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИГА БОҒЛИК

Аргентина президенти Эдуардо Дуальде мамлакат аҳолисига қилган мурожаатида яна бир бор халқни бошбошдоқлик ва зўравонликларга чек қўйишга чақирди. Мамлакат телеведениеси орқали чиқишида президент Дуальде халқни яна бир бор жипсликка чақирган бўлишига қарамай, пойтахт Буанос-Айрес кўчаларида тартибузарликлар давом этмоқда.

Ана шундай тартиб бузарликларнинг сўнгиси бозорда савдо қилаётган тижоратчилар ва ишсизлар ўртасидаги даҳанаки жангга айланиб кетди. Оқибатда бир неча киши жиддий жароҳатланган. Аргентина иктисодиёт вазири ўринбосари Хорхе Тодескенинг маълум қилишича, шу ойнинг охиригача Халқаро валюта фонди билан кредит масаласида янги шартномалар тузиши кутилмоқда.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФО БЕРАДИ

Иордания бош вазири Али Аби ал Рахлеб душанба куни ўз ҳукумати истеъфо беришини маълум қилди. Бироқ ал Рахлеб ўз лавозимини бутунлай тарк этганига қарамай, қирол Абдулланнинг топшириғига биноан янги вазирлар кенгашини шакллантириши зарур бўлади. Ҳукуматнинг кутилмаганда истеъфо бериши қиролликнинг ички сиёсати бўлиб, мамлакатнинг ташқи сиёсати алоқадор эмас. Бунда қиролликнинг Фаластин-Исроил низоларидаги воситачилик иштироки назарда тутилмоқда.

АҚШ МРБ ХИЗМАТИ БИН ЛОДИННИНГ ИЗИГА ТУШГАН

Декабрь ойининг бошларидаёқ Афғонистонни тарк этган Усома бин Лодин денгиз йўли орқали Жанубий Осиёдан ҳам чиқиб кетган. Демак, уни бу минтақадан қидириш фойдасиз. ABC News МРБнинг шундай хулосага келганини маълум қилади. Душанба куни АҚШ давлат котиби Колин Пауэл бу ҳақда, «Бизда бин Лодиннинг Афғонистонда ёки Покистонда яшириниб юргани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин мен ишонч билан айтишим мумкинки, бизнинг махсус хизматчиларимиз унинг изига тушишган».

МРБнинг терроризмга қарши кураш бошқармасининг собиқ раҳбари Винс Каннистраронинг фикрича, бин Лодиннинг денгиз йўли орқали минтақани тарк этгани АҚШ учун ноҳушлиқдан бошқа нарса эмас. Чунки у «Ал-Қоида» гуруҳининг Жанубий-Шарқий Осиёдаги ёки бўлмаса Шарқий Африкадаги ҳарбий базаларида паноҳ топган бўлиши мумкин.

АҚШ ҳарбий раҳбарияти мамлакат шаҳарлари осмондаги ҳарбий соқчиликни бекор қилиш имкониятини изламоқда. Бироқ қирувчи самолётларнинг ҳарбий наватчилиги бекор қилиниши хавфсизлик нуқтан назардан америкаликларнинг хавотирига сабаб бўлиши мумкин. Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарлари узра қирувчи самолётларнинг доимий наватчилиги машғум 11 сентябрь воқеаларидан сўнг йўлга қўйилган эди.

ГОЛЬФ ХАВФЛИ ЙҲИН

Австралия телерадиокомпаниясига «Ал-Қоида» жангарилари билан боғлиқ видеоёзув келиб тушган. Унда жангариларнинг гольф чемпионати ўтказилаётган пайтда дунёнинг етакчи мамлакатларига, жумладан президент автомобиллари кортежига қилинажак хужумга тайёргарлик кўраётганликлари тасвирланади. Хужумга нишон қилиб, тахминларга кўра, Вашингтон шаҳри танланган.

ABC компанияси мазкур видеоёзувни яқшанба куни кечкурун эфирга берган. Канал маъмуриятининг сўзларига кўра, плёнка ҳарбий разведка мутахассислари батафсил ўрганиб чиқишлари учун АҚШга жўнатилади.

ҲАЗИЛНИНГ ЎРНИ ЭМАС

Бошга балони тил келтиради дейдилар. Америка авиакомпанияларидан бирининг учувчиси Элвуд Минер уйламай айтган бир гали туфайли ўша заҳоти хибга олиниб, ФТБ га топширилган.

Ўша гап нима экан деб ўйларсиз? Учувчи Филадельфия халқаро аэропортида уни текширишдан ўтказаетган қўриқчи: «Енингизда линцет йўқми, деб хавотирланасан, мен эса хоҳлаган пайтима самолётни ерга қулатишим мумкин», – деб тўнғиллаган, холос.

АДОЛАТ ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН ЎРНАТИЛМАЙДИ

Ниҳоят, ўтган яқшанба куни Афғонистон муваққат ҳукуматининг биринчи ва иккинчи рақамли террорчилар Усома бин Лодин ҳамда Мулло Муҳаммад Умарни ўлимга ҳукм этишга тайёр эканлиги маълум бўлди. Буни Афғонистон адлия вазири Фазал Ҳоди Шинвари: «Мулло Умар ва Бин Лодин мамлакатда анархия ва талотўп вазият ҳукмрон бўлишида бош айбдорлардандир. Ислом қонуниятларига кўра, уммат орасида фитна кўзғовчилар ўлимга маҳкум», дея изохламоқда.

Шунингдек, адлия вазири: «Афғон халқининг янада қашшоқлашуви, энг ачинарлиси эса, Афғонистон тупроги американинг бомбардимон объектига айланиб қолиши «Толибон» режимининг экстремистик кайфияти ва ўта мутаассиблигининг оқибатидир», деди.

Бундан ташқари вазир Шинвари Афғонистоннинг келажақдаги суд-ҳуқуқ тизими хусусидаги айрим мулоҳазаларини ҳам яшириб ўтирмади. Унинг айтишича, бундан кейин ҳам «Толибон» даврида ҳукм сурган ислом қонунчилиги асослари сақланиб қолади. Хусусан, ўғирлик учун қўлни кесиш, зинокорлик учун дарра уриш ёки тошбўрон қилиш қабилар бекор қилинмайди.

Маълумки, 1996 йилдан буён Афғонистон сиёсий саҳнасида содир бўлган воқеалар Толибон ҳаракати билан бевосита боғлиқ. Бир пайтлар, АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланишидан бироз олдинроқ толиблар раҳнамоси Мулло Умар «Биз Афғонистонда адолат, тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлдик. Ислом шариатини жорий қилдик. Гиёҳвандлик ва гиёҳфурушликни катъиян маън қилдик» дея баёнот берган эди. Бугунга келиб, Мулло Умар айтган «адолат, тинчлик ва хотиржамлик» афғон халқига қанчага тушганини бутун дунё кўриб турибди. Адолат ва тинчлик зулм ва зўравонликка таяниб жорий қилинмаслиги, йўқса у эртага ўзининг аччиқ меваларини беришини тарихий ҳақиқат яна бир бор исботлади.

ЭНДИ НАВБАТ ФИЛИППИНГА



650 нафар Америка аскарлари Филиппин армияси билан ҳамкорликда ҳарбий ўқув машғулотларини бошлади. Бундан мақсад, «Ал-Қоида» гуруҳи ва унга алоқадор экстремистларга қарши ҳарбий ҳаракатлар борасида тажриба алмашишидир, дейди Филиппин мудофаа вазири. Олти ойлик ўқув машғулотлари 15 январдан бошланди.

Суратда: Филиппин мудофаа вазири Анжело Рейес.

ЖИНОЯТЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Грозний шаҳридан унча узоқ бўлмаган Закан-Юрт аҳоли пункти яқинидан Чеченистон ИИБ ходими, милиция майори Сайхон Паршоев ва унинг жиянининг жасади топилган. Чеченистон ИИБ берган маълумотларга қараганда, ҳар икки марҳум ўқотар курул билан ўлдирилган. Сўнгги йиллар ичида бундай турдаги жиноятлар сони ошиб бораётгани республика ҳуқуқ-тартибот органлари олдида жиддий муаммо бўлиб турибди. Мазкур қотиллик юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари бошлаб юборилди.

ШАХСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Кубага қарашли Гуантанамо махсус базаси (АҚШ ижарасида)да келтирилган толиблар орасида Буюк Британия фуқароси ҳам борлиги маълум бўлди. «Айни пайтда биз унинг шахсини ўрганаёلمиз» дея ташви беради Британия ташқи ишлар вазирилик ходими.

МУТАХАССИСЛАР ТАШРИФИ КУТИЛМОҚДА

Халқаро атом энергетикаси бўйича агентлик (IAEA) мутахассислари гуруҳининг яқин кунлар ичида Шимолий Кореяга етиб келиши кутилмоқда. Агентлик инспекторлари Ионг-бинедан жойлашган атом қорхонасининг изотоп лабораторияси фаолиятини ўрганадилар. IAEAнинг фикрича, айнан ушбу жойда 1994 йилгача, яъни қорхона фаолияти тўхтатилгунга қадар курул-яроғ мақсадлари учун плутоний ишлаб чиқарилган.

ПУНКТДА ПОРТЛАШ

Душанба куни Чечен-ингуш чегарасидан ўтувчи Боку-Ростов трассасидаги «Кавказ-1» назорат пункти яқинида портлаш содир бўлди. Оқибатда ОМОН ходимидан бири ҳалок бўлди, яна бири оғир жароҳат олди. Айни пайтда воқеа жойида ИИБ, ФХХ, прокуратура тезкор-тергов гуруҳлари портлаш сабабларини ўрганишни бошлаб юборди.

Саҳифани INTERNET хабарлари асосида ШАВКАТ тайёрлади

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«АЛГОРИТМ»
акциядорлик жамияти

*Мамлакатимиз
 халқини янги — 2002 йил
 билан муборакбод этади.
 Янгий йил ҳар бир хонадонга
 тинчлик, осойишталик олиб
 келишини тилайди*

**ЯНГИ — 2002 ЙИЛ
 ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,
 АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

«КОМСАР» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

